



Шохмуродбий валинаъмининг Худоёрбий валинаъми билан Кароболиг мавзеида урушгани зикри

Худоёрбий валинаъми бу хабарни эшитиб, Уратепадан катта кўшин билан бирга Самарканд сари юзланди. Шахрисабздан Абдуллох додхох ва Едгорбий Худоёрбий валинаъмига ёрдам бериш учун йўлга тушиб, унга кўшилдилар. Хар икки сохиби давлат бир неча масофаларни босиб ўтгач, Самаркандга тахминан тўрт фарсахлик ерда жойлашган Кароболиг мавзесида иккита ганим лашкарининг тўкнашуви рўй бериб, уруш олови чунонам аланга олдики, жон овловчи ўк лочини ўз парини ўлим майдонида куйдирди, жавхар шамшир юзидан тернинг кон томчиларини окизиб, хунхор лашкарни унинг денгизига гарк киларди. Маснавий:

Зи гарди сутурони хайли сипох,
Бар рухсор зад парда хуршеду мох.
Рустаму сатурони сарсар шитоб,
Фитода ба нофи замин печу тоб.
Баромад чу аз кўси рўйин хурўш,
Ялон роздори устухони магз жўш.
(Мазмуни: Кўшин ахлининг отлари чангидан,
Куёш ила ой тортди юзига парда.
Рустаму елдек учар отлар ётишар,
Кулаб ер киндиги узра айкаш-уйкаш.
Кўргошин ногорадан чикканда садо,
Баходирлар бўлишди эзилган мияга сирдош).

Уч кун шу зайл уруш килишди. Уруш кунининг ўша тўкнашув бошланган чоғиданок Абдуллох додхох ва Едгорбий мардлик намунасини кўрсатдилар. Нихоят галаба насими ҳеч бир томондан эсмади. Ноилож ўртага ярашув сўзини солиб, хар икки сохиби давлат ўз вилоятига қайтиб кетдилар. Факир Худоёрбий валинаъмининг синглисидан бўлган жияни жаноб киблагохим сай-йидлик панохи, нажиблик дастгохи эшон Султонхон Хўжа Ахрорий ва Едгорбий огзидан ҳам бир неча марта эшитган эдимки, улар айтишича, ўша улуг урушда Худоёрбий валинаъми томонидан қайта-қайта довураклик намуналарини кўришган эканлар. Шулардан биттаси жанг айна кизиб турган пайтда рўй берган бўлиб, урушавериб толиккан бий отдан тушиб, бошини тиззасига қўйибди ва каттик чарчокдан шу захотиёк уни уйку элтибди. Айтишларича, Туркистон амирлари орасида шижоат ва

уддабуронликда

Худоёрбий валинаъмига ўхшаш киши ўтмаган экан. Бобо парвоначи воқеаси зикри. Худоёрбийнинг ота бир, она бошка иниси Бобо парвоначи бир неча вақтдан сўнг Хисор томонга йўналди. Бир неча масофани босиб ўтгач, манзилу мақсадга етиб, ул мамлакатларни эгаллади. Бир неча кундан сўнг хоин фалак унга бир неча кунлик ҳукумати шарбатидан татишга йўл бермай, ўша пайтда Аллаберди Тоз хужум қилиб, Хисори боло ва унга қарашли музофотларни ўз қўли остига қиритди. Бобо парвоначини ушлаб, қамаб қўйди. Бир йилдан сўнг бир кечаси Бобо парвоначи оёғидаги занжирни синдириб, икки хизматкори билан бирга қочиб, шаҳардан ташқари чиққанлари паллада тонг ёришиб қолди ва ҳеч қайсига бора олмай, ноилоҳ, ўша ердаги қабристонга яширинишди. Қўриқчилар уйқудан уйғониб, қўзларини очиб қарашса, тўрдаги овлари тузукдан қочиб кетибди. Қочоқлар изига тушиб, қўчама-қўча ўлжаларини ахтариб, изғий бошлашибди. Бу хабар бир зумда шаҳар бўйлаб ёйилибди. Аллаберди Тоз жарчи³³ чақиртириб, қим амирлик паноҳини ушлаб келтирса, уни дунё матоҳларидан бой қиламан, дебди. Одамлар ҳар томонга югуришиб, қочганларни излашга тушибдилар. Буни қарангки, ҳалиги ғўристон умумий қўчага яқин бўлиб, бу ҳолни англаган Бобо парвоначи ва икки мулозими «лоҳавла» деганча даг-даг қалтираб ўтиришдан бошка чора топишмабди. Шу маҳал мушукка ўхшаш бир чол худди қутилмаган ўлим қаби булар устига қелиб қолибди. Қараса, учта фалокат босган неча бир ғаму ҳасрат билан ўтиришибди. Чол дарҳол буларнинг ўша ҳудодан сўраб, ўзи излаб юрган ов эканини билибди ва уларни ушламоқчи бўлибди. Ҳамиятли ўспирин ва хайрли кечган тасодиф зикри. Шу орада ўн икки яшар жуда бир чиройли ўспирин отаси бўлмиш ўша чол ва қочоқлар ёнига етиб қелиб «ота, булар қимлар?» деб сўрабди. Ҳалиги девбашара чол «ўғлим, булар сен билан менинг бахту давлатимиз сабабчилари, тез бўл, буларни ҳоким ҳузурига олиб борсак, дунё бойликларини қўлга қиритамиз ва буёғига фаровон турмуш кечирамиз», дебди. Бобо парвоначи чол билан ўспирин ўртасида бўлиб ўтаётган бу сўзларни эшитиб, ширин жонидан бутунлай умидини узибди. Успирин анча ўйлангач, отасига қараб «Эй отажон, нима бало, димогингизга молиҳулиё қасали тушиб, ақлдан оздингизми? Бу нима бўлмагур гапларни айтиб, алахсирияпсиз? Асрлар давомида фалак айланиб, бу қаби ишларни улуг қишилар бошига қўп солиб қелган ва яна ўтказиб юборган. Яшасин бундай номардлик — ахир уйимиз остонасига бу қаби улуг зотлар бошига иш тушиб, паноҳ истаб қелишса-ю, биз эса уч кунлик ўткинчи дунё манфаатлари учун уларни ушлаб, қотили қўлига топширсак! Бундай хом ҳаёлнинг бахридан кечинг ва бўлмагур гапларни қўйинг», дебди. Чол боланинг гапига қулоқ осмабди ва тилини ёмон сўзларга чоғлаб, ўғлига қўпол гаплар айтибди. Мисраъ: Падар қи бадғухар аст, писар қи қунад (Ота ёмон зотли бўлса, ўғил нима қилсин); Аммо, бола ўз сўзидан қайтмабди. Нихоят, ота қараса, гаплари қовушмайди ва ўғил ота гапига қирадиган эмас. Ночор, ўғли юзидан ўта олмай ва унинг раъйига ҳам қараб, уйи томон кетибди. Фарзанд эса иккита адаб тиззаси билан Бобо парвоначи олдига чўккалабди ва дебди: «Мен Сиз жанобнинг амирлик ва давлат паноҳи парвоначи эканингизни билдим. Сиз учун бир эмас, юз бошим бўлса ҳам кечаман. Не хизмат бўлса, буюринг.» Мисраъ: Неки бикун қун қи ба қори ту наояд (Яхшилик қилмоқчи бўлсанг қилавер, ишимга яраши шарт деб ўтирма); Бобо парвоначи ўспириндан бў гапларни эшитгач, боланинг елкасидан қучди ва боши-юзидан ўпганча пиқиллаб йиглашга тушди. Сўнг: «Менинг манови муҳримни олиб, қарвонсаройга бор. Фалон хужрада соқоллари оқарган бир бемор ётибди. Муҳрни унга қўрсат» деб, ўша қишидан яна қийим-кечак қаби зарур нарсаларни олиб қелишини ҳам тайинлади. Бола қабул

бармогини кўзига кўйиб, карвонсаройга караб йўл олди. У ерга етгач эса истаган кишисини топди ва мухрни кўрсатди. Савдогарнинг кўзи мухрга тушгач, боланинг юзу кўзи ва пешонасидан ўпди. Тайинлаган нарсаларининг барчасини мухайё килди ва бола билан хайрлашаркан «эй фарзанд, бир йилдан бери факат шу иш учунгина ушбу масканда яшаб тургандим», деди. Бола парвоначи олдига етишгач, хуфтондан сўнг йўлга тушишди ва тилларидан «овора-ю, дарбадар бўлиш кандай яхши, агар сен каби яхши хамрох бўлса» кабилидаги сўзлар жорий бўлди. Аммо, йўлда боланинг оёқлари кавариб, пиёда юришга мажол етмай колди. Хар учаласи навбатма-навбат болани елкаларида кўтариб кетишди. Уша кечаси тонг отгунча неча бир кийинчилик ва машаккат билан бир кўл киргогига етдилар. Кўл камишларининг боши фалакка етса-да, бироқ яширинадиган кулай жойи йўк эди. Ноилож, нарсаларини бир жойга кўмиб, хар тўртовлон кип-ялангоч холда кўл ичига тушдилар. Кетларидан таъкиб килаётган аскарлар анчадан сўнг шу ерга етиб келишди ва хаммаёкни излаб, кочоклардан бирор из ва аломат топишмади. Тўртовлон эса сув ўртасида худди ўрдаклардек чўмганча ўша кун ва тунни шу кўркинчли жойда неча бир азобу укубатда ўтказдилар. Эртаси окшом йўлга тушиб, тонг отгунга қадар чўлдан юришди. Анча йўл юргач, Сурхон дарёси киргогига етдилар. Бирор соат йўл чарчокларини ёзиб, дам олгач, ўзлари учун камишдан сол ясашди ва дарё томон юзланишди. Вафодор бола эса хайрлашиб, неча бир хасрату гамда ўз уйи томон кайтиб кетди. Байт:

Вакти видои дўст, ба хангоми бозгашт,
Эй дида кош аз паси сар мешуди моро.
(Мазмуни: Дўст билан хайрлашиб, кайтиш махали,
Эй кўз, канийди бошим оркасида бўлсанг).

Бобо парвоначи икки йўлдоши билан солга ўтириб, дарёда сузиб кета бошлашди. Бу дарёда «Хожи гирдоб» деб аталувчи бир гирдоб бўлиб, Мовароуннахрда бу гирдоб довруги кенг ёйилган. Чунки, бирон кема ёки сол у ерга етгудай бўлса, осонликча кутулиб ўтиши даргумон. Буни карангки, парвоначининг камиш кайиги хам ана шу гирдобга тушиб қолиб, канча уринишмасин, солни сохилга олиб чиқиша олишмабди. Уч кеча-кундуз шу гирдобда сув окизган томонга кетаверишибди. Нихоят, Аллох лутфидан каттик шамол туриб, солни дарё киргоги томон суриб, гирдоб кўйнидан чиқарибди. Парвоначи бу бахту давлат шукронасини адо этиб, дарёнинг бошка жойидан яна кайтиб сувга тушишибди. Шу зайл уч кун ўтгач, иттифокан, Шерободнинг Худоёр Гаранг исмли мири дарё бўйида шикор қилиб юрган бўлиб, караса, дарё ўртасида бир сол уч нафар киши билан оқиб келмокда. Мирнинг кўнглидан буларни хохнахой дарё окизган бўлса керак, шу сабабли ихтиёрсиз ўтирган кўйи келишмокда, деган ўй ўтиб, шу фикр оркасида бир нечта кишисига камиш ка-йикни дарё киргогига судраб чиқишни буюрибди. Нотаниш кишилар дарё четига келгач, Шеробод мири парвоначини ўз олдига чорлабди ва хол-ахвол сўрабди. Парвоначи «мисраъ: Чи пурси мани бахт баргаштаро (Мен бахти кайтгандан нени сўрайсан); Биз учала мулло Кўлобдан келяпмиз. Илм олиш максидида Бухоро сари йўлга чикканмиз», дебди. Мирнинг бу «толиби илм»-ларга раҳми келиб, худо йўлига бир неча танга бахшида қилиб, кетишлари учун рухсат берибди. Бобо парвоначининг Бухоро амири кўлига тушгани. Буни карангки, мазкур воқеалар рўй бермасдан бурун Худоёрбий валинаъми ва Бобо парвоначи олдига [Шохмуродбий номидан] элчилик расми билан борган бир киши хам шу мир ёнида бўлиб, сал нарирокда турган экан. Кўзи мир олдидан узоклашаётган парвоначига тушиб, уни таниб қолибди ва

фалакнинг бу ишидан хайратга тушиб, йиглай бошлабди ва ўз мирига бу ҳақда гапириб берибди. Мир бу гапни эшитган захоти парвоначини бағрига босиб, узр сўрабди. Шу ондаёқ унга кимматбаҳо либослар кийгизиб, учкур отларга миндирганча ўзи билан бирга Шерободга олиб кетибди. Парвоначи у ганимидан бу душмани кўлига тушганини англаб, бўйнини эгиб ва бошини куйи солганча чор-ночор кетаверибди. Манови байт эса кўнглидан ўтибди, фард байт:

Ту коре кун ки бар домаш на афти,

Гар афтоди тапидан маслахат нест.

(Мазмуни: Бир илож килгину тузогига тушма,

Агар тушсанг, типирчилаш бефойда).

Бу хабар Шохмуродбий кулогига етибди ва парвоначини хузурига юборишларини буюрибди. Парвоначи шу зайл Бухоро туткунлигида бир йил қолиб кетди. Худоёрбий валинаъми анчагина элчилар юбориб, икки орада хатлар алмашгач, неча бир хийла ва тадбир воситасида укасини Шохмуродбий кўлидан куткариб олди. Парвоначи акаси хузурига етишгач, валинаъми унга Жиззах ҳокимлигини берди. Айтмишлар, байт:

Алминнатиллох ки ранж кашидем,

Дидем турову зи ту ба максуд расидем.

(Мазмуни: Худога шукр, ранжлар тортдик, аммо,

Сени кўрдигу сен сабаб максадга етдик).

Худоёрбий ул халоскор мард ўғлоннинг мактовли васфини укаси тилидан эшитиб, гойибона равишда унинг ишки ўки амирлик паноҳининг дилидан жой олибди. Болага совга-салом тарикасида жуда кўп тухфа ва ҳадялар юборибди. Канийди, тириклик чоғимда шу химмати юксак ўспиринни бир бора кўрсам, бошка орзу-армоним қолмас эди, деб афсус ва надоматлар чекибди. Амир шу армон билан дунёдан ўтди. У вафот этгач, Бобо парвоначининг ҳукмронлиги даврида ул вафодор йигит ўзи куткарган янги мир хузурига келди ҳам. Мир боланинг кўлига икки юз тилло инъом пули тутказиб, кетишига рухсат берди. Аммо, мирнинг шунча давлати ва боланинг эса олийҳимматлилиқ билан қилган бу қадар бекиёс яхшилиги билан таққослаб, ҳолис баҳо берганда, парвоначи ул олий химмат болага ҳеч нарса бермади ҳисоб бўлган. Бобо парвоначининг бўлмагур қиликлари зикри. Бобо парвоначи ўта гўл ва лофчи бир мир сифатида ҳам ном қозониб ўтди. Унинг лофчилиқ ва сафсатагўйлиқ ҳислати бутун Мовароуннахр бўйлаб овоза бўлган эди. Бинобарин, ушбу саҳифада шундан бир нечтасини битта сабаб билан ёздим. (Сабабини эса қуйироқда айтаман). Бир қуни у қатнашаётган ўтиришда сўз мавзуси қиш совуги ва қору ёмғирлар ҳақида бўлиб, парвоначи ҳам дебди: — Фалон йилиси шундай кўп қор ёғдики, ерга ёққан қор қалинлиги чиндан ҳам осмонга етди. Қушлар қор уюмлари устига чиқиб олиб, тумшуклари билан юлдузларни чўкалаб ейишди. Қелгуси йили эса Хўжандда пайтим худда ўшандай совуқ бўлиб, ҳаммаёқ муз билан қопланди. Бир маҳал кўзим бир итнинг иккита том оралигида муаллақ турганига тушди. Кейин яхшилаб диққат қилсам, ит бечора томдан томга сакраётган пайти музлаб, олд оёқлари бир томда, орқа оёқлари иккинчи томда қотиб қолган экан.

Бир қуни ўтиришда сўз ов ҳақида борибди. Шунда мир қуйидагича ҳикоя қилишга

тушибди: — Бир қуни Хўжандда ов қилиб юргандим. Шикордан сўнг бир жойга тушдик.

Қарасак, ерга жуда кўп қозиклар қокилган экан. Маҳрамларнинг бариси отларини шу қозикларга боғлашди. Эрталаб уйғониб қарасак, шунча отдан битта от ҳам йўқ. Бироздан сўнг одамларим отларни қар ер, қар ердан топиб қелишди. Аммо, уларнинг қар бири ёнида биттадан турна қушлари ҳам бор ва қарасам, отларнинг арқонлари ўша

турналарнинг бўйинларига боғланган. Кейин билишимизча, кечаси тунда козик гумон килиб, отларни турналарнинг бўйнига боғлаган эканмиз. Турналар эса отларимизни шу зайл хар тарафга етаклаб кетибди. Эртаси куни бедана овладик. Битта хеч тенги ва ўхшаши йўқ овчи лочинимиз бор эди. Бедана хаддан зиёд кўп бўлиб, лочинни битта бедана томон кўйиб юбордим, таппа босди. Аммо, шу ернинг ўзида яна бир бедана бор экан, учмокчи бўлганида халиги лочиним унга ҳам ташланиб, яна бир чангали билан унисини ҳам ушлади. Тагин битта бедана хавога кўтарилмокчи бўлди, уни эса тумшуги билан ушлади. Буни каранг, шу пайт яна бир бедана учмокчи бўлганди, ушлаш учун хеч ери колмаган лочин, «сени ҳам барибир ушлайман», деб юборса бўладими. Овдан сўнг бир ховлига кўш ташладик. Уй эгаси дарвозаси огзига копагон бир ит боғлаб кўйган экан. Мени тишламочки бўлиб, мен томон тўпилиб келди. Огзига караб шундай мушт солдимки, кўлим кетидан чиқди. Яна бир кўлим билан эса итни ётқизиб, огзини бор кучим билан айириб, иккинчи кўлимни ичидан тортиб олдим. Кўлимга илиниб ичак-човоклари ҳам чиккан экан, шуларни осилтирганча ит ўрнидан туриб кочиб колди. Парвоначининг яна бир хикояси: — Бир хароб ахволга тушиб, ягири чиккан отим бор эди. Мулозимларимга унинг ягири чиккан сагрисига лой суркаб, пода орасига кўйиб юборишларини буюрдим. Шундай килишди. Уч ойдан сўнг сурувдаги отларни битта колдирмай олиб келишди. Улар ичида халиги отим ҳам бўлиб, карасам, сагрисида катта-катта тарвузлар осилиб турибди. Бундай ўйлаб кўрсам, ўша ягир жойига лой суркаганларида тупрокда ётган тарвуз тухумлари ҳам корилган лой билан отнинг сагрисидан жой олган экан ва мана энди палак отиб, шунча катта тарвуз солибди.

Бунака рангли ва ширали тарвузни умрим бино бўлиб сира ҳам еб кўрмаган эдим. Хуллас, юкоридаги каби савдойи ва бир кайнови гапларни парвоначи огзидан кўп эшитишган. Хаммасини ҳам ёзиб тугатиш кийин. Бу келтирганларим бекорчи хикояларни ҳам кўлингиздаги китобда ёзаман деган фикр кўнглимда йўқ эди. Хали айтганимдай сабаби эса шунда бўлдики, каминанинг хусни нури куёшни ҳам кўримсиз холга туширувчи гўзал бир суюклигим бор эди. Тасодифдан бир кечаси ўтиришда ушбу воқеалар ҳам тилга олинди ва ул пари чехра бу хикояларни ҳам китобингизда ёритинг, деб буюрди. Ноилож, сўзи ерда колмасин деб ушбу битикда кайд этдим. Шунинг учун яна таъкидлашим лозимки, буларни келтириш оркали Бобо парвоначининг бундай бўлмагур гапларни айтишдан максади одамларни кулдириш бўлган, демокчи эмасмиз. Мутлако. Булар парвоначининг савдойи мижоз бўлиб колгани сабабли айтиб юрган хикоялари бўлиб, унинг ўзи ҳам бу айтганларини айни хақиқат деб тушунган ва ишонч билан айтган. Тиббиёт китобларида ўқиганим бор: бу ҳам савдойилик касалининг бир хил кўриниши бўлиб, ақлга путур етгани ва мия куввати заифлашганидан юзага келиб, кишининг хаёл кучи хар хил бўлмагур нарсаларни ҳам ростдек қабул килаверади, бу касалга чалинган киши шунинг оркасида юкоридаги сингари бўлмагур хаёлий сўзларни айтишга мажбур бўлади. Айтишларича, Бобо парвоначи илгари бундай одам эмас экан, бу касалга икки марта камокка тушгандан сўнг йўлиқкан. Алкисса, Шохмуродбий валинаъми Бухорога етгач, бир неча кун йўл хордигини ёзиб дам олиб, давлат юмушлари ва халкнинг арзу додини сўраш ишлари билан машгул бўлди. Айтишларича, байт-ул-мол, яъни давлат хазинасидан ўзининг шахсий эhtiёжлари учун бир фулус ҳам харж килмас экан. Кийим-кечак, еб-ичиш бўйича кандай чикими бўлса, барчаси мамлакатдаги гайридин аҳолидан ундириладиган жизя солиги хисобидан амалга ошаркан. Айтадиларки, бир гал Самаркандга келганида бир неча кун ўша вилоятда қолиб кетиб, сарфлайдиган харажат пули тугабди ва бисотида битта эски пўстиндан бўлак бирон нарсаси колмабди. Ноилож,

ўша пўстинини сотиш учун бозорга бердириб юборибди. Пўстиннинг харидори топилмабди. Нихоят, деярли текин бахода, аникроги, ярим дирхамга сотиб кайтишга мажбур бўлишибди. Сотиб олган харидор камбагал бир мулло киши бўлиб, эртаси куни пўстинни кайтариб олиб келиб, «пўстиннинг айби бор экан, савдони бекор киламан, олмайман», дебди. Шохмуродбий валинаъми «нима айби бор экан?» деб сўрабди. Халиги одам «бутун дунёнинг бити шу пўстиннинг ичига йигилган экан. Кечаси танимда бир мискол ҳам эт колмаслигига сал колди», дебди. Мулло бу пўстиннинг Шохмуродбийга тегишли эканидан хабари йўк экан. Валинаъми роса котиб кулибди ва нихоят иккаласи ҳам кози хузурида чўкка ўтириб, кози хукмини сўрашибди. Кози ярим танга арзон тушириб, пўстинни муллога сотиш бўйича қарор чиқармокчи бўлибди. Аммо, мулло бунга кўнмабди ва «бу пўстиндан безор бўлганман, бир фулусга ҳам олмайман, пулимни кайтаринг», дея оёқ тираб олибди. Валинаъми эса олишини сўрайверибди. Чунки пўстиндан кўлга киритган кечаги икки тангани ишлатиб бўлган, ёнида муллога кайтариб бериш учун бошка пули йўк экан. Хуллас, анча тортишувлардан сўнг мулло рози бўлибди ва валинаъми можародан қутулибди. Айтишларича, Эрон юришидан кайтаётган махал бисотида бирон танга пул колмаган бўлиб, Бухорога якин ерда қорни очикибди ва доимгидек, сўфийлар равиши бўйича, ҳалолдан лукма ейишга одатланган валинаъми оёғидаги бир жуфт қовушини ечиб, баққолга берибди ва эвазига бирор егулик олиб, тановул қилибди. Бухорога эса оёғида қовушсиз қириб борибди. Шохмуродбийнинг ейдиган таомлари ҳам киши ейдиган даражада бўлмай, ўт-ўлан ва сут-катик, сузма ва дуккакдиларнинг ҳаммасини бирга аралаштириб, аталага ўхшаш бир нима пиширтириб ер экан. Бошка овқатларга қиё ҳам бокмас экан. Айтишларича, инилари унга нисбатан ҳоинлик йўлини тутибдилар ва ақасини ўлдириш мақсадида икки нафар баттол номусулмонга кўп нарсалар ваъда қилиб, уларни аёллар қиёфасида Арққа юборибдилар. Ул таррор ҳаромилар бир йўл билан ҳарам ичкарасига қириб олишибди ва сарой аҳли юриш-туришдан тинчигач, ул икки ит сийрат Шохмурод валинаъми уҳлаб ётган жойга келиб, дуч келган ерига пичок ура бошлашибди ва шу зайл тани-баданини илма-тешиқ қилиб, яралашибди. Аммо, ҳазрати вожиби таолонинг ўзи қаровчи-ю, сакловчи бўлса ва қазо етмаган эса қилич ҳам иш бермайди, деганларидек, валинаъми тирик қолибди.

Ахир айтмишлар, байт:

Агар теги олам бижунбад зи жой,

Набурад раге то нахоҳад Худой.

(Мазмуни:

Агар бутун оламнинг қиличи чикса кинидан,

Худо хохламаса битта томирни ҳам кеса олмас).

Қонхўрлар ишни битқазган ҳисоблаб, топширик берган мирлар ёнига қайтиб қелишибди ва Бухоро салтанати кўлга қиргани билан табриқлашибди. Мирлар эса «валинаъмининг боши қани?» дея сўрашибди. Жаллодлар «минг жонидан биттаси ҳам қутулмади, бошини сўраб нима қиласиз», дейишибди. Мирлар орасидан Султонмурод қўшбеги эса «буларнинг иши ҳом бўлиб қикмаса гўрга эди» дея ташвиш билдирибди. Эндиги гапни саройдаги воқеалардан эшитинг. Халиги қон-хўрлар валинаъми ишини бир ёқлик қилгач, мирлар олдиға йўл олишибди. Қутилмаган бу ишдан сал ўтиб, ҳарам қанизаклари валинаъми ётган ўриндиққа келиб, уни бир дарё қонга беланиб ётган ҳолда қўришибди ва барчаси хайратдан қонг қотганча, сочларини қулиб, қозларини тирнаб, ёқаларини қиртишға қушибдилар. Бироздан сўнг қашилаб текшириб қўришса, валинаъмининг қони

борга ўхшабди ва йиги-сигини йигиштириб, гамлар шодликка айланибди. Бу туркий мисраъ шу холга мос келади: Чикмаган жондин умид — ушбу масалдур машхур...; Бирор фурсатдан сўнг валинаъми кўзини очибди ва «душманлар менинг ишимни бир ёклик килишди, сизлар эса бир бало килиб, мени пахтага ўранг ва ташкарига олиб чиқинг, одамлар менинг тириклигимни кўришсин, бўлмаса иш кўлдан чиқади», дебди. Канизлар буйрукни у айтгандай килиб бажаришди ва тонг отгач, бу хабар бутун шаҳар бўйлаб ёйилди. Бу кабир ишни қилган инилар эса валинаъмининг соғ-омонлигини билиб, чуқур ўй гирдобига ботишди. Шохмуродбий укалари олдига одам юбориб, шундай деб айттирди: «Сизлар пасткаш бир дунё учун ундан ҳам пасткашроқ ишга кўл урдингиз. Аммо, биз бундай разилликни қилмаймиз, балки шафкат ва марҳаматни афзал биламиз. Кўнглингизга бирон ёмон фикр ва гумон келиб ўтирмасин.» Укалари валинаъмининг бу сўзларини эшитгач, ўзларининг Бухорода қилишини ор-номус юзасидан эп кўрмай, Хар бири бир тарафга бош олиб кетишди. Чунончи, Султонмурод кўшбеги ҳаж иродасини қилиб, йўлда оламдан ўтди. Махмудбий Хўканд сари йўл олди. Шундан сўнг Афлотун табъли ҳақимлар валинаъмининг яраларини даволашга қиришдилар. Оз кун ичида муолажа ишлари мувофиқ тушиб, Аллох иродаси билан амир бутунлай шифо топди. Уша пайтлари Худоеврий валинаъми бу борлик тупрокхонасидан этак йигиштириб, охираат йўли томон юзланди. Умри муддати эллик олти йил бўлди.

давоми бор...